

Масъулиятли кредитлашнинг умумий тамойиллари

Масъулиятли кредитлашнинг умумий тамойиллари (кейинги ўринларда – тамойиллар) тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари (кейинги ўринларда – кредит ташкилотлари) билан қарз олувчи-жисмоний шахслар (кейинги ўринларда – қарз олувчилар) ўртасида истеъмол кредити ва микроқарз (кейинги ўринларда – кредит) ажратиш билан боғлиқ муносабатлардаги ёндашувларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1.1 Мазкур Тамойиллар қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

кредит ташкилотлари томонидан қарз олувчиларга кредитлар ажратишда юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг олдини олиш ҳамда кредит портфели сифатини яхшилаш;

қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилик кўрсаткичини масъулиятли баҳолаб, келгусида қарздорлар томонидан тўловларни амалга оширишда қийинчиликлар юзага келмаслигини таъминлаш.

1.2 Мазкур Тамойилларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

масъулиятли кредитор – қарз олувчиларга кредит маҳсулотларини тақдим этувчи, ушбу тамойилларни ихтиёрий равишда қабул қилган ва уларга риоя қиладиган кредит ташкилоти;

масъулиятли кредитлаш – ахлоқий тамойиллар ва нормалар йиғиндиси бўлиб, мижознинг энг яхши манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш, тўловнинг мақбуллигини, кредит турлари ва шартларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда қарз олувчи кредит тўловларини амалга оширишда қийинчиликларга дуч келган тақдирда уни қўллаб-қувватлаш;

2-боб. Маълумотларни тақдим этиш тамойиллари

2.1 Масъулиятли кредитор қарз олувчиларга шартнома имзоланишидан аввал қарз олувчиларга қўйиладиган талаблар, кредит маҳсулотларининг муҳим шартлари, шу жумладан, йиллик фоиз ставкаси, кредитнинг тўлиқ қиймати, барча комиссия турлари ва миқдори, жарима ва пеня тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни тақдим этади. Бунда, масъулиятли кредитор қарз

олувчи билан биргаликда кредитнинг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот варақасини тўлдириб, унга тақдим этиши лозим.

2.2 Масъулиятли кредитор қарз олувчига кредит ажратишдан аввал кредит маҳсулоти шартларини тўлиқ баҳолаш ва асосли қарор қабул қилиш имконини берувчи зарур маълумотларнинг тўлиқ тўпламини тақдим этади. Масъулиятли кредитор томонидан тақдим этиладиган ва тарқатиладиган маълумотлар қарз олувчи учун имкон қадар очик ва тушунарли бўлиши лозим ва уни чалғитмаслиги керак.

2.3 Масъулиятли кредитор маълумотларни аниқ, тушунарли ва содда тилда баён этиши лозим. Қарз олувчиларга тақдим этиладиган кредит шартномалари ва ахборот материаллари, шу жумладан ҳисобварақлардан кўчирмалар, банк картасидан фойдаланиш бўйича ҳисоботлар, маркетинг ва реклама материаллари аниқ ва тушунарли тилда баён этилиши, жумладан, молиявий соҳада махсус билимга эга бўлмаган қарздорлар томонидан икки хил маънода тушунилишига ёки умуман тушунмасликка олиб келмаслиги керак.

2.4 Масъулиятли кредитор ўз хизматларининг оммабоплигини ва ўзи тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлигини таъминлайди. Қарз олувчиларга хизмат кўрсатиш жойларида ва расмий веб-сайтида масъулиятли кредитор кредитни тақдим қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни, унинг иш вақти тўғрисидаги маълумотларни, манзиллари ва телефон рақамларини жойлаштиради.

2.5 Масъулиятли кредитор кредит бериш жараёнида қарз олувчиларга кредитни қайтариш бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги кредит бўйича оширилган фоиз ставкасида фоизлар, пеня ва жарималар ҳисобланишига олиб келиши оқибатида қарз юкининг ортишига, кечиктирилаётган тўловлар уларнинг кредит тарихига салбий таъсир кўрсатиши ҳамда келгусида бошқа кредит олиш имкониятлари чекланиб қолиши мумкинлиги тўғрисида тушунтиради.

2.6 Масъулиятли кредитор қарз олувчига келгусида унинг молиявий ҳолатига таъсир қилиши мумкин бўлган хатарларни олдини олиш ёки камайтириш мақсадида қуйидагиларни, жумладан:

ўзи тўғрисида ҳаққоний маълумотларни тақдим этишни;

кредит шартларини диққат билан танишиб чиқишни;

кредит шартларини тушунмаганда кредит ташкилотининг масъул ходимига саволлар билан мурожаат қилишни;

тузилган кредит шартномасининг битта асл нусхасини олишни;

кредит бўйича тўловларни кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширишни;

кредит тўлови учун ўзининг банк картасидан акцептсиз ечилган маблағлари бўйича шубҳали амалиётлар бўлган деб ҳисобласа, ушбу ҳолат тўғрисида кредиторга хабар беришни;

кредитни расмийлаштириш (ариза бланкаси, кредит, гаров шартномалари) ҳамда тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларга (тўлов ҳужжатлари бланклар) маълумотлар киритилмаган (тўлдирилмаган) бўлса имзо қўймасликни;

кредит билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар нусхаларини (имзоланган кредит шартномани, амалга оширилган тўловлар оид ҳужжатларни) сақлаб қўйишни тушунтиради.

2.7 Масъулиятли кредитор кредит таъминоти сифатида кафил бўлаётган ҳамда мулкани гаровга қўяётган учинчи шахсларга келгусида юзага келиши мумкин бўлган хатарлар, хусусан қарз олувчи томонидан кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда кредит бўйича юзага келган қарздорликларни тўлашни кафилдан талаб қилиши, кафилнинг банк ҳисобварақлари (банк карталари)дан шартномада белгиланган тартибда ундириб олиниши ҳамда белгиланган муддатларда қарздорликлар қопланмаганда ундиришни сўраб суд органларига даъво аризалари киритилиши, натижада ундирув кафилнинг мол-мулкига ёки гаровдаги мол-мулкка қаратилиши мумкинлиги тўғрисида тушунтиради.

2.8 Масъулиятли кредитор биргаликда қарз олувчиларга мавжуд қарздорлик учун улар қарз олувчи билан тенг жавобгар эканликлари, келгусида юзага келиши мумкин бўлган хатарлар, хусусан қарз олувчи томонидан кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда кредит қарздорликларини тўлаш биргаликда қарз олувчининг мажбурияти ҳисобланиши ва уларнинг банкдаги ҳисобварақлари (банк карталари)дан акцептсиз ундириб олиниши ҳамда белгиланган муддатларда қарздорликлар қопланмаганда ундиришни сўраб суд органларига даъво аризалари киритилиши мумкинлигини таъкидлайди.

2.9 Масъулиятли кредитор қарз олувчиларни кредит олиш жараёнида ўз мажбуриятларини бажара олмаслигига олиб келиши мумкин бўлган енгиб бўлмас куч таъсиридаги вазиятлар ва бошқа ҳолатлар юз бериши эҳтимолини (шу жумладан, ишини йўқотиши, ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра иш ҳақи ва бошқа турдаги даромадларни кечикиб олиши, ишга жойлашиши, соғлигининг ёмонлашганлиги натижасида даромадларининг тушиб кетиши) ҳисобга олиши зарурлиги тўғрисида огоҳлантиради.

3-боб. Қарз олувчиларнинг тўловга қобилиятлиликни баҳолаш тамойиллари

3.1 Масъулиятли кредитор кредит шартномаси тузилишидан олдин қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик даражасини самарали баҳолаш тартибини

белгилайди. Масъулиятли кредиторнинг қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилиқ даражасини баҳолаш тизимига кўра қарз олувчига ортиқча қарз юки юкланишига йўл қўйилмаслиги лозим.

3.2 Масъулиятли кредитор қарз олувчиларнинг молиявий имкониятларига мос келмайдиган кредит маҳсулотларини тақдим этилмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Масъулиятли кредитор қарз олувчиларнинг кредит олиш учун берган аризаларини кўриб чиқиш жараёнида улар қийинчиликларга дуч келмасдан қарзни тўлай олиши ёки олмаслигини аниқлашга ҳаракат қилади.

3.3 Қарз олувчи кредит ташкилоти томонидан тақдим этилган кредит шартномасининг шартлари ўзига мос келмаслигини билдирса, масъулиятли кредитор қарз олувчини ушбу шартномани тузишга ундамаслиги ёки кредитлаш лимитини оширишни маслаҳат бермаслиги керак.

3.4 Масъулиятли кредитор қарз олувчиларга ажратиладиган кредит маблағлари узоқ муддатда қийинчилик туғдирмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун қуйидагиларни ўрганиб чиқади ва уларнинг кредитга лаёқатлилиқ даражасини баҳолайди:

даромади;

активлари;

мавжуд қарзлари;

бандлик ҳолати;

доимий ва ўзгарувчан харажатлари;

қарз олувчиларга молиявий жиҳатдан қарам бўлган одамлар сони;

молиявий аҳволидаги ҳар қандай олдиндан айтиб бўладиган ўзгаришларни;

кредитни тўлаш қобилиятига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа омилларни.

4-боб. Кредит ташкилотлари томонидан масъулиятли кредит ажратиш тамойиллари

4.1 Масъулиятли кредитор қарз олувчилар билан ўзаро муносабатларида амалдаги қонунчилик ҳужжатларига тўлиқ риоя қилган ҳолда очиқ ва виждонан фаолият юритади.

4.2 Масъулиятли кредитор ўзининг касбий фаолиятида мавжуд ва потенциал қарз олувчиларни чалғитишга, кредит маҳсулотларига оид муҳим маълумотларни яширишга, ҳужжатларни қалбакилаштиришга йўл қўймайди, шунингдек, қарз олувчиларни бундай ҳаракатларни амалга оширмасликдан огоҳлантиради.

4.3 Масъулиятли кредитор ўз ходимлари, вакиллари ёки агентлари томонидан мижозларга нотўғри, ҳаққоний бўлмаган ва тўлиқ ахборот бермаслик орқали, шунингдек қарз олувчиларга босим ўтказиш орқали улар билан кредит шартномалари тузилишининг (узайтирилишини) олдини олиш юзасидан барча зарур чораларни (ўқитиш, малакасини ошириш, сифат назорати ва бошқа) амалга оширади.

4.4 Кредит маҳсулотларини сотиш ва қарз олувчиларнинг молиявий аҳволини баҳолаш билан шуғулланадиган ходимларни, вакилларни, агентларни мукофотлаш тизимида улар томонидан мазкур Тамойилларга амал қилинганлигини ҳисобга олади.

4.5 Масъулиятли кредитор ўз ходимларининг, вакилларининг, агентларининг кредитлаш соҳасида зарур билим ва малака даражасига эга бўлишларини таъминлайди, шунингдек, уларнинг қарз олувчилар билан одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ хушмуомалали муносабатда бўлишини кафолатлайди.

4.6 Масъулиятли кредитор юқори сифатли хизматларни тақдим этади ва барча қарз олувчилар билан уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, молиявий аҳволи, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар ҳурмат билан муносабатда бўлади.

4.7 Масъулиятли кредитор қарз олувчи томонидан тақдим этилган маълумотлардан фақат унинг кредитга лаёқатлилиқ даражасини аниқлашда ва кейинги даврларда унга хизмат кўрсатишда фойдаланади.

4.8 Масъулиятли кредитор қарз олувчи томонидан тақдим этилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлашга қатъий риоя қилади, унинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш ва банк сирини ошкор этмаслик учун барча зарур чораларни кўради ва ҳимояланган маълумотларни фақат амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардагина ошкор қилади.

4.9 Молия ва ҳуқуқ соҳасида махсус билимга эга бўлмаган қарз олувчининг сўровига асосан масъулиятли кредитор кредит шартномасида мавжуд бўлган зарур маълумотларни ёки атамаларни тўғри ва тушунарли тарзда тушунтириб беради.

4.10 Масъулиятли кредитор қарз олувчиларга кредит олиш мақсадида банкка ташриф буюрган ҳолда ёки масофавий хизмат кўрсатиш тизими орқали топширган аризаси ва ҳужжатларини ижрога қабул қилинганлиги тўғрисида СМС хабарнома юборади.

4.11 Масъулиятли кредитор қарз олувчига кредит берилганда ва тўлиқ сўндирилганда ҳамда амалга оширилган кредит тўловлари тўғрисида хабарномалар бериб боради. Хабарномалар қарз олувчилар билан шартномада келишилган ҳолда СМС шаклда ҳам юборилиши мумкин.

4.12 Масъулиятли кредитор шартноманинг барча шартларини бир хил ўлчамдаги шрифтда баён этади, шунингдек, шартнома имзоланишидан аввал қарз олувчи унинг шартлари билан танишиб чиқиши учун унинг илтимосига асосан кредит маҳсулотини тақдим этиш бўйича намунавий шартнома шаклини тақдим этади. Қарз олувчи кредит шартномасини имзо қўймасдан олдин унинг шартлари билан тўлиқ танишиб чиқиши ва оқилона қарор қабул қилиши учун ўзи билан олиб кетишга ҳақли.

4.13 Масъулиятли кредитор шартномада кредитнинг ажратилиши ва унинг қайтарилиши билан боғлиқ барча шартларини ёзма равишда белгилайди, шу жумладан, кредитни ажратиш санаси, миқдори, кредит муддати, кредит бўйича қарздорликни сўндириш усуллари ва жадвали, йиллик ва самарали фоиз ставкаси миқдори, ойлик тўлов миқдори (ёки уни аниқлаш усули), барча турдаги комиссиялар ва уларнинг миқдори, кредит маҳсулотининг тўлиқ қиймати, қўлланиладиган жарима санкциялари (пеня ва неустойка), кредитни муддатидан олдин сўндириш имконияти каби шартлари бўлиши мумкин.

4.14 Қарз олувчи кредитлаш шартлари билан танишганлиги тўғрисида тасдиқнома олиш мақсадида масъулиятли кредитор билан қарз олувчи ўртасида тузиладиган кредит шартномасининг ҳар бир варағи қарз олувчи томонидан шахсан имзоланиши лозим. Шартнома икки нусхада имзолангандан сўнг, масъулиятли кредитор ўзининг ваколатли вакили томонидан имзоланган шартноманинг битта асл нусхасини қарз олувчига тақдим этади.

4.15 Масъулиятли кредитор қарз олувчиларни у билан боғланиш учун барча имкониятларни яратишга ҳаракат қилади, шунингдек, бундай алоқа усуллари тўғрисидаги ахборотни қарз олувчиларга етказди.

4.16 Масъулиятли кредитор қарз олувчиларга қарзни тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун энг мақбул ва қулай шарт-шароитларни таъминлаш учун барча зарур чораларни амалга оширади.

4.17 Масъулиятли кредитор кредитлаш бўйича қарз олувчи билан қўшимча хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома тузиш истагини билдирганда, масъулиятли кредитор қарз олувчи билан биргаликда унинг умумий қарз юки одатий кундалик эҳтиёжларини қондириш учун етарли даромадларини таъминлашга имкон бермайдиган вазиятга тушиб қолмаслик чораларини кўради.

4.18 Қарз олувчига қўшимча кредит маҳсулотларини сотилиши масъулиятли кредитор томонидан қарз олувчининг мавжуд қарздорликларини ва бир нечта кредитларни баравар сўндириш имкониятини инобатга олган ҳолда қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини дастлабки баҳолаш натижалари асосида амалга оширилади.

4.19 Масъулиятли кредитор қарз олувчига унинг имзоси билан тасдиқланган ёзма розиликномасини олмасдан туриб унга қўшимча кредит маҳсулотларини тақдим этмайди.

4.20 Масъулиятли кредитор қарз олувчига аввал тақдим этилган кредит маҳсулоти бўйича шартнома шартларига киритилаётган ўзгаришлар қарз олувчига ноқулай оқибатларни олиб келса ёки у учун қўшимча харажатларни келтириб чиқарса, ушбу тақдим этилган кредит маҳсулоти бўйича тузилган амалдаги шартноманинг бирор - бир шартини қарз олувчининг олдиндан ёзма розилигини олмасдан ўзгартирмайди.

4.21 Масъулиятли кредитор қарз олувчи молиявий қийинчиликларга дуч келганда унинг сабабларини холисона баҳолаш ва ушбу вазиятда масъулиятли кредитор ҳамда интизомли қарздор учун мақбул ечим топишга қаратилган масъулиятли кредиторнинг ҳаракатларини тартибга солувчи ички қоидаларни ишлаб чиқади.

4.22 Масъулиятли кредитор кредит маҳсулотларини реклама қилишда реклама тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилади.

4.23 Масъулиятли кредитор қарздорликни ҳисобга олиш ва сўндириш бўйича аниқ ва шаффоф қоидаларни ишлаб чиқади, шунингдек, қарз олувчи кредит маҳсулотини олишдан бош тортиш ҳуқуқини ва кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажариш ҳуқуқини белгилайди.

4.24 Маблағлар етишмовчилиги натижасида қарз олувчининг қарзи сезиларли даражада ошиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида масъулиятли кредитор шартномада кредитнинг сўндирилиши ҳисобига йўналтирилган пул маблағларининг ечиб олиш навбатини белгилайди ва қарз олувчиларга тушунтиради.

4.25 Масъулиятли кредитор кредит қарздорликларини тажовузкор ундириш амалиётига йўл қўймаслиги лозим.

4.26 Масъулиятли кредитор қарз олувчининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш ҳуқуқларини чекламайди. Масъулиятли кредиторнинг қарз олувчиси ўз танловига кўра ўзининг яшаш жойи, шартнома тузилган жой ёки масъулиятли кредиторнинг жойлашган жойидаги судга мурожаат қилиши мумкин.

4.27 Масъулиятли кредитор низоларни судгача ҳал қилиш учун барча мумкин бўлган чораларни кўради.

4.28 Масъулиятли кредитор ушбу тамойилларга риоя этилишини таъминлаш учун зарур тадбирлар, жараёнлар ва текширувларни ихтиёрий ва мустақил равишда белгилайди ва амалга оширади.

4.29 Кредит қарздорлигини сўндириш билан боғлиқ тўловларни амалга ошириш имкониятлари ва шартлари масъулиятли кредитор томонидан шундай

ўрнатиладики, унга кўра қарз олувчи кредит муддати кечиккани учун юқори фоизлар ва жарималар ҳисобланишини олдини олиш мақсадида тўловларни амалга ошириш учун етарли вақтга эга бўлиши лозим, шу жумладан масъулиятли кредитор қарз олувчига тўловларни амалга ошириш санасини мустақил танлаш имконини яратади.

4.30 Масъулиятли кредитор қарз олувчига кредит маҳсулотининг тақдим этилиши ва ундан фойдаланишининг барча шартлари тўғрисидаги маълумотлар тўпламини, шунингдек, қарз олувчи томонидан тўловларнинг кечиктирилишининг олдини олиш мақсадида бошқа фойдали маълумотларни тақдим этади.

5-боб. Масъулиятли кредитлашда суғурталаш тамойиллари

5.1. Масъулиятли кредитор қарз олувчидан таваккалчиликларни фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ёки муайян кредит маҳсулотининг ўзига хос хусусиятлари бўлганда суғурта қилишни талаб қилади. Агар, маълум бир кредит маҳсулоти мажбурий суғурта қилишни назарда тутса, масъулиятли кредитор қарз олувчига суғурта компаниясини танлаш ҳуқуқини беради.

5.2. Агар масъулиятли кредиторнинг фикрича, кредит шартномасини тузишда суғурта шартномасини тузиш зарур бўлса, қарз олувчига суғурта шартномаси билан ёки суғурта шартномасисиз кредит маҳсулотини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқи берилиши керак.

5.3 Масъулиятли кредитор томонидан суғурта шартномаси бўйича олинган суғурта тўловининг миқдори наф олувчи сифатида унга тегишли бўлган суммадан ошиб кетган тақдирда, масъулиятли кредитор қарз олувчига ёки унинг меъросхўрларига фарқни асоссиз кечиктиришларсиз қайтариши шарт.